Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 93 (10.342).

1992 йил 16 июнь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация бугун эрталаб давлат ташрифи билан Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга жўнаб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Аввало Индонезия ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий, дўстона тилаклар йўллашга рухсат этгайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингиздаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллик ва суверенитетга эга бўлгандан кейин қисқа даврда Ўзбекистон халқи эришган илҳомбахш ютуқлар ва тараққиётни зўр мароқ билан кузатиб турибман. Буюк анъаналар туйғусига берилган Ўзбекистон халқи ўз муддаоларини ва мустақиллик олий мақсадларини амалга оширишда саботли меҳнати билан муваффақиятга эришажагига аминман.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик узоқ вақтдан бери давом этиб келаётганини мамнуният билан қайд этаман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги шу яхши муносабатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб астойдил умид қиламан.

Шу умид ва ҳамкорлик истагидан илҳомланиб, Сиз жаноби олийларини 1992 йил 22 июнда Индонезияга давлат ташрифи буюришга зўр мамнуният билан таклиф қиламан. Миллий тараққиётимиз гуркираб турган бир пайтда Сиз жаноби олийларини индонез халқи билан бирга табриклаб кутиб олиш мен учун катта шараф бўлади. Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли ривожланиб келаётган дўстлик алоқаларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ишончим комил.

Сизнинг Индонезияга буюрадиган ташрифингизга муштоқлигимни изҳор этар эканман, айни шу маврида шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ тилаб, энг яхши тилакларимни билдираман.

Сизга камоли эҳтиром билан

Индонезия Республикасининг Президенти

СУХАРТО.

Жакарта, 1992 йил 4 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари! Ҳиндистон Республикаси 1990—1991 йилги Жавоҳарлал Неру номидаги мукофотни Ўзбекистон Фанлар академиясининг профессори Азимжонова Сабоҳатхонимга беришга қарор қилганини эҳтиром билан маълум қилишга мушаррафман.

Бу нуфузли мукофот профессор Азимжоновага унинг Ҳиндистон тўғрисидаги машҳур асарлари учун берилди, бу асарлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда ва икки мамлакат ўртасидаги дўстлик анъаналарини мустаҳкамлашда катта ўрин тутди. Шунингдек, бу мукофот Ҳиндистонда сизнинг мамлакатингизга самимий ҳурмат билан қаралаётганининг рамзидир, 1991 йил август ойида Сиз жаноб олийларининг мамлакатимизга ташрифингиз чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ўрнатилган бевосита хилма-хил алоқаларга бу ерда катта аҳамият берилаётганлигининг далили ҳамдир.

Мавриди келганидан фойдаланиб, Сизга юксак ҳурматимни яна бир бор изҳор этаман.

Ашок МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги мувақкат ишлар вакили.

Ш. РАШИДОВ ЮБИЛЕЙИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш ташкилий комиссиясининг дастлабки мажлиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилей комиссиясининг раиси Исмоил Жўрабеков кириш сўзида яқин ўтмишда собиқ марказ гумашталари томонидан Ўзбекистонга, унинг меҳнаткаш халқига, ўша пайтда республикага раҳбарлик қилган Шароф Рашидов шаънига маломат тошлари отилгани ҳақида гапирди.

Шароф Рашидов ўттиз тўрт йиллик раҳбарлик фаолияти давомида шаҳар ва қишлоқларни ёпод қилишга, саноат ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У бағрикенглиги, меҳрибонлиги, ходимларни танлай билиши ва қадрлаши билан ажралиб турган арбоб эди. Аму-Бухоро канали, Мирзачўлда қад ростлаган шаҳар ва қишлоқлар, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги темир йўл, Тошкент метроси, Фарғона водийсидаги кўплаб саноат корхоналари ва иншоотлар тарихи у кишининг номи билан боғлиқдир.

Шароф Рашидовнинг адиб сифатида ҳам ўзбек адабиётида муносиб ўрни бор.

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида ҳуруж қилган иғвогарона сиёсат — «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» жазавасида марҳум Ш. Рашидов руҳини чирқиратиш, қабрдан қабрга кўчириш, бу билан халқ қадриятларини оёқости қилиш каби қабиҳ режалар эндиликда фош бўлиб қолди.

Бугун Рашидов номини тиклаш асосида бир вақтлар унинг шаънини бадном қилганлар яна минбарларда, матбуотда пайдо бўлиб, мунофиқларча хотиралари ни достон этиш пайида юргани ҳам сир эмас. Ортиқча ҳамду санога ўрин бўлмаслиги керак. Рашидовнинг фаолияти камчиликлардан ҳоли бўлмаган, албатта. Аммо халқимизнинг ихлоси, инсоф-диёнат юзасидан ҳам у кишининг номини тикламоқ бурчимиздир.

Мажлисда сўзга чиққан раҳбар ходимлар, ҳокимлар, ёзувчи ва шоирлар ана шу ҳақда гапирдилар, Шароф Рашидовнинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Комиссия мажлисида 1992 йилнинг июнь-ноябрь ойларида бажариладиган ишлар, вилоятларда ўтказиладиган тадбирлар муддати, Шароф Рашидов музейини ташкил қилиш, унинг номини абадийлаштириш, асарларини, хотира китобини чоп этиш ва бошқа масалалар юзасидан ишчи гуруҳларини тузиш режалари тасдиқланди.

Юбилей тантанаси шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Мажлисда Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида комиссиянинг жамоатчиликка очиқ хатини матбуотда эълон қилиш таклифи маъқулланди.

(ЎзА).

Яна икки ноҳия маррага етди

Об-ҳавонинг ноқулай келганлиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамай пиллакорлар ҳам ваъдани уддалаш учун астойдил меҳнат қилдилар. Яна икки: Зангиота ва Юқори Чирчиқ ноҳиялари пиллакорлари ҳам маррага етганликлари ҳақида хушхабар олдик. Айниқса, Юқори чирчиқликлар уйган пилла хирмони салмоқлидир. Ҳозиргача улар 185 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб бердилар. Асосий қисми юқори навларга топширилди.

Ҳар бир қулай фурсатдан, имкониятдан оқилона фойдаланиб, баргни тежамли ишлатган пиллакорлар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. «Политотдел» жамоа хўжалиги 45 тонна, «Правда» жамоа хўжалиги 39 тонна, Свердлов номли жамоа хўжалиги эса 40 тонна пилла топширди. Мазкур хўжаликларда звенолар иши намунали ташкил этилганлиги, улар ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борилганлиги, илғорлар ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантирилганлиги муваффақиятлар гарови бўлди. Жуда кўп пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан мўлжалдагидан 10—15 килограмм ортиқ ҳосил олдилар.

Пилла топшириш қандай бормоқда?

Занги оталиклар ҳам бўш келмадилар. Улар топширган 50 тонна хом ашёда «Занги ота», Навоий номли, «Ўзбекистон», Хасково, Эркин сингари хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Пилла топшириш давом этяпти.

Н. ИСАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Жанубий Кореяда чиқадиган «Тон,а Ильбо»—«Шарқий Осиё» газетасининг Москвадаги мухбири Тнян Хен Хуннинг саволларига жавоблари

Собиқ СССР Республикаларининг дипломатия соҳасидаги фаоллиги давлат мустақиллигини мустаҳкамлашгина эмас, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятидаги бўлажак ҳамкорлар билан амалий алоқалар ўрнатишга қаратилган. Ўзбекистон Президентининг Сеулга бўлажак ташрифига ҳам шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Ислом Каримов ташриф арафасида Корея Республикасида чиқадиган «Тон'а Ильбо» газетаси мухбири билан суҳбатлашди.

— Хорижий сафарларингиз йўналишларига қараганда бу сафарлар Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришга доир дастурингиз доирасида ўтмоқда: Ҳиндистон, Туркия, Хитой... энди навбат Жанубий Кореяга келди. Бу эса Ўзбекистон шу мамлакатнинг тажрибасидан фойдаланиши мумкин, деган маънони билдирадими?

— Шубҳасиз, ҳар бир ташриф, ҳар бир учрашув чоғида янги таниш орттирасиз, аввало янги тажрибаларни ўрганасиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига яқинда бир йил тўлади. Тарих мезони билан қараганда бу жуда оз муддат. Шунга қарамай, Республика ана шу даврда чинакам истиқлол йўлидан илгарилаб кетди. Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлгани, юздан ортиқ мамлакат уни тан олгани халқимиз ўзлигини англаши тарихида бурилиш босқичи бўлди. Шуни дадил айтиш мумкинки, мустақиллик жараёни барқарор бўлиб, бизни танлаб олган йўлимиздан оғдириб юборадиган куч йўқ.

Аммо асосий қийинчиликлар ҳали олдинда турганлигини англаймиз. Бўйруқбозлик — маъмуриятчилик тизимининг истиқболи йўқлигини тарих яққол кўрсатди, бу тизим фаолиятининг оқибатларини биз ҳозир кўриб турибмиз. Ҳозирги буҳронни ўзимиз, ўз кучимиз билан бартараф этишимиз лозимлигини тушунамиз.

Шу билан бир вақтда жаҳон тажрибасини эътибор билан ўрганямиз, янги, чинакам гуллаб-яшнаган Ўзбекистонни барпо этишда жаҳон тажрибасининг кўп жиҳатлари фойдали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон учун тараққиётнинг Туркия модели мақбуллиги тўғрисида гапирганимизда биз ундан кўр-кўрона нусха олмоқчи эмаслигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг ўз йўлимиз, жоиз бўлса, ўз ўзбек моделимиз бўлади. Аммо биз Туркиянинг энг яхши ютуқларидан, айниқса давлат ва иқтисодий қурилиш соҳасидаги ютуқларидан фойдаланамиз, албатта. Жанубий Кореянинг тажрибаси ҳам биз учун жозибалидир, унинг жадал тараққиётига қойил қолмай бўлмайди.

— Тошкент билан Сеул ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари қандай?

— Менимча, бу истиқболлар беполдир. Чунки биз эндигина алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Мамлакатларимиз ўртасида бўлажак кўприкнинг биринчи устунига пойдевор қўйиш каби фахрли вазифа зиммамга тушганидан бахтиёрман. Бу кўприк мустаҳкам ва кенг бўлиши, ҳамиша иккала халққа хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман — ҳамкорларимиз бунга шубҳа қилишмасин.

Жуғрофий жиҳатдан олислигига қарамай, халқларимиз маданияти, урф-одатлари ва анъаналарида муштарак жиҳатлар кўплиги Корея билан Ўзбекистоннинг табиий равишда бирбирига яқинлашувига хизмат қилади. Мен буни шахсий тажрибамдан биламан. Олдинги йилларда ҳам Ўзбекистонда яшовчи корейслар билан учрашишимга ва ишлашимга тўғри келган. Муштарак иқтисодий манфаатларимиз мавжудлигига шубҳа қилмайман. Ҳозирги Ўзбекистон ишбилармон кишилар учун очилмаган қўрқидир. Чунки биз иқтисодиётдаги чуқур бузилишлар оқибатларини тугатишимизга тўғри келади. Жаҳондаги кўплаб пахта етиштирувчи ўлкалардан бири бўлган республика ўз аҳолисини чит билан таъминлай олмаётганлиги ғалати эмасми? Бундай ғайритабиий аҳволга жуда кўп дуч келасиз. Меъёрий иқтисодий ёрдамчи соҳаларни барпо этишда, табиийки, бизга саноати ривожланган мамлакатлардан, шу жумладан Жанубий Кореядан замонавий техника ва технология зарур бўлади, бунинг эвазига ҳамкорларимизга таклиф этадиган маҳсулотларимиз бор. Булар фақат хом ашё материаллари эмас, зеро Ўзбекистон хом ашёга бой республикадир. Олдинги ўн йилликлардаги барча бузилишларга қарамай, бизда маориф, илмий муассасаларнинг етарли даражада ривожланган тизими барпо этилган, ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон бозорига чиқишга тайёр турган корхоналар мавжуд.

Равшанки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг имкониятлари ишнинг моддий томонлари билан тугамайди. Кенг маънавий, маданий алоқаларни йўлга қўйиш, шубҳасиз, халқларимизни маънавий жиҳатдан бойитади. Осиёнинг Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ минтақалари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка кўмаклашади.

— Ўзбекистон ўнлаб ўзга халқлар учун, шу жумладан 190 минг корейслар учун ватанга айланди. Маъмуриятингизнинг кичик халқларга нисбатан тутган йўлини қисқача сўзлаб бера оласизми? Сеулда давлатлараро масалалардан ташқари Ўзбекистондаги корейс жамоаси билан, хусусан уларнинг она юрти билан одамийлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинадими?

— Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам кўп миллатли давлат. Унинг ноёблиги ҳам, аминманки, бойлиги ҳам мана шунда. Бу ердаги ҳар бир халқ ҳозирги Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданиятини вужудга келтиришга ўз ҳиссасини қўшди ва уни ҳақли равишда ўзининг ватани деб билади. Бу гап корейсларга ҳам таалуқлидир.

Машъум 1937 йилда корейслар бошига тушган фожиали қисмат эсимиздан чиққани йўқ. Ўзбекистон бу ердаги жуда катта қийинчиликларга қарамай, Узоқ Шарқдан кўчириб келтирилган ўн мингдан кишиларни ҳурсандчилик билан кутиб олди, кейинчалик немисларни, қрим татарларни, месхети туркларини, қатағон қилинган бошқа халқларни, шунингдек 1941—1945 йиллардаги уруш вақтида Украина, Беларусь ва Россиядан келган қочоқларни қабул қилиб олди. Ўзбекистон тараққиётига корейслар жуда катта улуш қўшганини ҳам биламиз. Биз буни қадрлаймиз. Шуни айтиш кифояки, Тошкентдаги кўчалардан тўрттасига корейслар номи берилган.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунданоқ биз республикадаги барча халқларнинг тўла ва сўзсиз тенглигини, ирқий, инсоний, диний камситишларга, ҳеч қандай миллий камситишларга йўл қўйилмаслигини айтдик. Булар шунчаки қуруқ гап эмас. Республикадаги барча халқлар ўзларини тўла ҳуқуқли деб ҳис этишлари учун, улар машъум «КПССнинг доно миллий сиёсати» сабабли унутиб юборилган ўз миллий маданияти, тили ва урф-одатини тиклашлари ва ривожлантиришлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Давлат ҳокимият идоралари ҳозирги вақтда ҳамма жойда иш олиб бораётган миллий уюшмаларга, маданият марказларига ҳар томонлама мадад бермоқда, улар ўз азалий ватанлари билан алоқа ўрнатишларига кўмаклашмоқда. Сўнгги масалани биз кузатиб турибмиз, албатта. Делегациямиз таркибига Ўзбекистондаги корейс жамоаси вакиллари киритилган, улар айни шу масала билан шуғулланадилар.

Сўзимнинг охирида қадимий Корея диёрига боришимдан, унинг истеъдодли, меҳнатсевар халқи билан учрашажагимдан ҳурсандлигимни айтмоқчиман. Президент Ро Дэ У, Кореянинг бошқа раҳбарлари билан музокараларимиз муваффақиятли ўтишига ва халқларимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишига ишонаман.

ИСПАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Испаниянинг собиқ Давлат котиби, «Жуспи», компаниясининг вице-президенти Луис Пренафетани 12 июнь куни қабул қилди. Луис Пренафета Тошкентга келган испаниялик ишбилармонлар делегациясига бошчилик қилмоқда.

Учрашув чоғида мустақил давлатга айланган Ўзбекистоннинг раҳбарияти иқтисодиётдаги мафкуралаштиришдан бутунлай воз кечганлиги ҳақида гапирилди. Мустақил республика ўзаро манфаатдорлик ва бир-бириви ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига ҳеч қандай йўл билан аралашмаслик қоидалари асосида ҳар қандай демократик мамлакат билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Олий Кенгаш бундан бир йил муқаддам қабул қилинган хорижий сармоялар тўғрисидаги республика қонунига тузатишларни муҳокама қилишга тайёрлик кўраётганлиги айтилди. Иқтисодиётимизни ривожлантиришга пул сарфлаган ҳорижий ишбилармонларга катта имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда, Суҳбатда испаниялик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

«Жуспи» компаниясининг вице-президенти ўзининг Ўзбекистонга ташрифи натижалари ҳақида сўзлаб берди. Республикадаги бир қанча йирик корхоналар билан ҳамкорлик тўғрисида протоколлар имзоланди. Уч йўналишда биргаликда ҳаракат қилиш: нефть қазиб чиқариш саноатини ривожлантиришда, қўшма корхоналарни ташкил этишда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар етказиб беришда иштирок этиш назарда тутилмоқда.

Учрашувда Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

(ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУЙИЧА)

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Акбаров Рустам Раҳбарович — Тошкент районининг ҳокими, Тошкент вилояти.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 13 июнь.



Ўтган куни вилоятимизнинг Тошкент районида 146 нафар ўғилнинг суннат тўйи бўлиб ўтди. Кичик корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар, ишбилармонлар ўтказган бу тантана ҳақидаги мақолани рўзномамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз. Сиз кўриб турган бу суратларда шодиёна лавҳалари ўз ифодасини топган.

Суратказ В. ХАРИТОНОВ.

Долзарб мавзуда суҳбат

МАТБАА САНОАТИ: СУРЪАТ ПАСАЙИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ!

Қоғоз йўқ. Газеталар, журналлар, китобларнинг нархи жуда ошиб кетди. Ҳатто кўп йиллардан бери чиқиб келган ва ажойиб анъаналарин яратган, минг-минглаб доимий муштарийлари бўлган катта нашрлар ҳам ҳафтада икки-уч марта чиқадиган бўлиб қолди.

МДҲда қоғоз ишлаб чиқариш соҳасида танҳо ҳукмрон бўлган корхоналар нархни ўз хоҳишларича белгиламоқда. Бу айниқса Ўзбекистон каби ўрмонлари бўлмаган республикаларга ёмон таъсир қилмоқда, республикага қоғоз биринчи навбатда Россиядан келтирилар эди. Аммо ана шу қийинчиликларга қарамай, оммавий ахборот воситалари ишлаб турибди. Нашриётлар ҳам ишламоқда. Мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари дарсликлар билан етарли таъминланмоқда.

Бу қудратли тармоқда иқтисодий ларзалардан холи бўлиш мумкинми, тармоқни қай йўл билан рентабелли қилиш мумкин? ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг Раиси Р. ШОҒУЛОМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Рустам ака, ҳаётингиз матбуот билан, полиграфия билан боғлиқлигини биламан. Сиз қаерда ишламангиз, ҳамиша юксак билимдонлик кўрсатдингиз. Мана, бир неча ойдирки, янги лавозимда ишлаб турибсиз. Бироқ воқеаларнинг боришига қараганда, муаммолар камаймайди, балки кўпайиб бормоқда.

— Ҳақиқатан ҳам муаммолар жуда кўп. Айниқса, республика ва унинг анъанавий ҳамкорлари бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги пайтда бундай муаммолар кўпаймоқда. Давлат комитети тизими анча мураккаб ва кўп соҳалидир. Деярли ҳамма нашриётлар, вилоят матбуот бошқармалари, китоб савдоси, матбуотда давлат сирини сақлаш инспекцияси бизга қарашлидир. Ҳамма жойда бир хил қийинчилик: қоғоз, картон, машина-ускуналарга эҳтиёж қисмлар, бўёқ, йўқ. Уларнинг тақчиллиги сабаблари ҳаммага маълум. Анъанавий иқтисодий алоқалар узилгач, қоғоз билан биржада савдо қилишга ўтилди, шундан сўнг кўпгина меҳнат жамоалари хонавайронлик ёқасига келиб қолди. Ана шундай вазиятга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш тўлқинларида ўзини етарли даражада дадил тутаётган газеталар, журналлар, босмахоналар, нашриётлар бор.

Бир мисол келтираман. Бир вақтлар давлатдан дотация оладиган «Ўзбекистон» нашриёти ҳозир 15 миллион сўмга яқин фойда олмоқда. Бу ерда воқеаларни олдиндан пайқаб ола билишди, маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли битимлар тузишди, ўзбек ва жаҳон мумтоз ёзувчилари асарларини аъло даражада нашр этишга ўтишди. Тутуриқсиз китобчалар чиқаришдан воз кечишди. Мумтоз ёзувчиларнинг яхши безатилган китоблари қиммат туриши табиийдир. Аммо харидорлар уларни бажонидил сотиб олишмоқда. Бу — ишга чинакам тижоратни кўзлаб ёндошиш эмасми?

Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар чиқаришга ихтисослашган «Ўқитувчи» нашриёти тўғрисида гапирсак, давлат унга энг қулай шароит яратиб бермоқда. Бунинг сабаби равшан: ёш авлод тўғрисидаги ғамхўрликни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат бу соҳага бюджетдан катта маблағ сарфламоқда.

Газета ва журналлар қийин аҳволга тушиб қолди. Республикада 400 га яқин газета ва журнал чиқади. Қанчалик эриш туюлмасин, тезроқ бозор муносабатларига ўтиш учун жон куйдириб, бозор муносабатларининг воситаларини миллион-миллион ўқувчиларга тушунтириб берган газетачиларнинг ўзлари янги шароитда ишлашга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Бунинг оқибатида уларнинг тиражи камайди, ходимлар сони қисқартирилди... Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бюджетидан уларга юз миллион сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бинобарин, мен ана шу ғамхўрлик учун барча журналистлар номидан Президентга миннатдорчилик билдираман.

Вужудга келаётган вазиятга очиқ кўз билан қарамоқ керак. Қоғоз билан таъминлаб, катта босмахона ҳаражатларини тўлай оладиган муассисларнинг нашрларигина омон қолади.

Буйруқбозлик усулида тақсимлаш тизими барҳам топди. Бозор тайёрга айёрликни ёқтирмайди.

Қоғоз етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузяпмиз, албатта. Россиядаги қоғоз ишлаб чиқарувчилар билан шартномани имзолаш учун яқинда Москвага хизмат сафарига боришга тўғри келади. Бу — Ўзбекистон билан Россия ўртасида яқинда тузилган шартномаларнинг, Ислом Каримов билан Борис Ельцин учрашувларининг натижасидир. Бу шартнома асосида олинадиган қоғоз, картон асосан дарсликлар, бошқа муҳим адабиётларни босиб чиқаришга ишлатилади.

— Айтмоқчи, дарсликлар ҳақида. Ҳозир таътил даври. Лекин ёз тезда ўтиб кетади. Янги ўқув йилида ўқувчилар китоблар етишмаслигидан қийналишмайдими?

— Бу соҳада ташвишланишга ўрин йўқ. Дарсликлар ҳаммага етади. Масалан, олдингидек русийзабон мактаблар учун адабиётларнинг бир қисми МДҲнинг бошқа минтақаларидан келтирилади. Биз ҳам ўз навбатида Ўрта Осиёдаги қўшни республикалар ва Қозоғистондаги ўзбеклар яшайдиган жойларга 56 номдаги 2,5 миллиондан ортиқ китобни юборамиз.

— Шунга қарамай, билишимча, республикада матбаа қувватидан тўла фойдаланилмаяпти, бу эса табиий равишда қудратли тармоқда молиявий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

— Бунинг сабабларини тушунтириш учун рақамларни келтириб ўтаман. Ўзбекистонга ҳар йили камида 60 минг тонна қоғоз ва 5 минг тонна муқовабоп картон келтирилади. Уларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари бир ярим миллиард сўм атрофида бўлади. Матбаа маҳсулотлари қиймати ҳам шунга яраша. Газеталарнинг қиймати 1,5 — 2 сўм, китоблар қиймати 25—30. Аммо сотиб олинаётган материалларнинг миқдори етишмаяпти. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ўзида қоғоз саноатини барпо этиш ғоят зарур бўлиб қолди.

Бу ҳаёлий лойиҳа эмас. Мустақил давлатнинг шу масалада мустақил бўлишига интилиши ҳам эмас. Бу ўринда ҳақиқий иқтисодий ҳисоб-китоблар назарда тутилмоқда.

Линт пахтадан целлюлоза, шоли похоли ва ғўзапоядан қоғоз ва картон тайёрлаш технологиясидан кенг фойдаланаётган Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишимиз зарур. Бунинг учун республикада хом ашё етиб ортади. Фақат илғор технологиялар зарур. Бу соҳада ана шундай ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий фирмалар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Қўшма корхоналар барпо этиш бундай ҳамкорликнинг чинакам йўлларидан биридир.

Комитетимиз мутахассислари хорижий фирмаларнинг таклифларини ҳар томонлама ўрганишди. Турк ва хитой ишланмалари биз учун мақбулроқ. Масалан, хитойлар шоли похолидан қоғоз тайёрлаб чиқарадиган кичик заводларни етказиб беришга тайёрдирлар. Тошкент қоғоз фабрикаси тармоқни материаллар билан таъминлаш учун асосий база бўлиши лозим. Бу масалани биз республика мебель саноатининг раҳбари Г. Қурбонов билан ўрганиб чиқдик. Бир неча қизиқарли лойиҳалар бор. Аммо фабрикани жиддий равишда янгилаш керак бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу дастурларни амалга ошириш учун катта сармоя, шу жумладан валюта талаб қилинади. Аммо бошқа чора йўқ. Пировардида ҳаражатлар фойдага айланади.

— Рустам ака, давлат матбуот комитети ҳузурида матбуотда давлат сирини сақлаш инспекцияси ишлаб турибди. Келинг, очиқчасига гаплашайлик: журналист ҳамкасбларимизнинг инспекцияга муносабати, юмшоқроқ қилиб айтганда, анча совуқ. Баъзан уни бутунлай бекор қилиш тўғрисидаги талаблар эшитилмоқда. Сиз бундай кайфиятга қандай қарайсиз?

— Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз сирлари бўлади ва бу сирларни сақлаши лозим. Бу — масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони шуки, (бу ҳам жуда муҳим), ҳар қандай маърифатли мамлакат оммавий ахборот воситаларида шахсни камситиш ва обрўсизлантириш мақсадида ашаддий кампания ўтказилишига имкон бермайди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий вазият барқарор. Мана шундай бир пайтда газета ва журналларнинг саҳифаларида бу вазиятга зиён етказилишига йўл қўйиб бўлмайди. Инспекция зарур. Бинобарин, у давр нафасини акс эттириши керак.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

Абдужалил Абдуҳолиқов Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-бригадасида 32 йилдан бери ишлайди. У меҳнат қилаётган жамоа бу йил мева ва узумдан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқда.
С. ҲОЖИЕВ сурати.

• Сабзавот далаларида

ДЕҲҚОН ҲИММАТИ

ДАСТУРХОНИМИЗНИ пишиқчиликнинг илк неъматлари безай бошлади. Бозор ва дўкон растаҳаридаги карам, бодринг, помидор, қулупнай, қўйингчи, далада битган нимаики маҳсулот бўлса, ҳаммаси деҳқоннинг сербарака меҳнати меваларидир.

Сабзавоткорлар янги ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб, ҳосилдан бўшаган пайкалларга турли хил экинларни экишмоқда. Хуллас, бир пайкалда пишиқчилик, иккинчисида экиш-тикиш, бошқасида эса экинлар парвариши авжида. Бундай меҳнат жараёнини Қибрай ноҳиясидаги «Турон» жамоа хўжалиги далаларида ҳам кўришимиз мумкин. Азаматлар жорий йилда 4 минг 600 тонна сабзавот, 450 тонна мева, 360 тонна узум етиштиришга аҳд қилишган. Хўжаликда 9 та сабзавотчилик, 1 та боғдорчилик, 2 та ем-хашак тайёрлаш бригадалари мавжуд.

Баҳорнинг серёғин келиши жамоа аъзоларини ҳам бироз шошириб қўйди. Аммо улар бўш келишмади. Астойдил меҳнат қилиб парваришни қизғин авж олдириб юборишди. Натижада барча бригада жамоаларида жорий йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратдилар.

Асосан уруғчиликка ихтисослашган хўжалик заҳматкашлари айни кунларда 30 гектар майдонда карам, 80 гектар ерда помидор, 15 гектар майдонда ош лавлаги, 9 гектар ерда бодринг ва булғор қалампири 7 гектара ерда эса сабзи ва саримсоқ пиёз ҳамда 44 гектар майдонда бошқа турдаги сабзавот маҳсулотлари етиштиришмоқда. 60 гектарга яқин майдонда уруғ учун экилган карам, ош лавлаги ва сархил ош кўкатлари мавж уриб ўсаяпти.

Ҳар бир жамоанинг ўз фидойилари бўлади. Асрор Юнусов, Ойдин Фазиева, Расул Абдуллаев, Маҳамат Расулов, Шуҳрат Этамбердиев, Абдулҳай Маҳсумов сингари бригада етакчилари ҳар қандай шароитда ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштиришда ҳамкасбларига ўрнак бўлишаяпти.

Низом Ҳожибоев, Карим Мирсобитов, Маъмура Султонова, Ўғилой Абдураҳимова, Икром Сайдаҳметов, Ҳалима Мирзааҳмедова каби сабзавоткорларнинг номини ҳам тилга олиб ўтиш ўринлидир.

— Бозор иқтисоди ҳар бир имкониятдан омилкорлик билан фойдаланиб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширишга, ғамхўрликни кучайтиришга кўпроқ эътибор беришни талаб этаяпти,— дейди биз билан суҳбатда хўжалик бошқаруви раиси Ходимат Қуронбоев.— Ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик туфайли белгиланган режалар бекаму-кўст амалга оширилмоқда.

Шу кунларда хўжаликнинг сабзавоткор-у боғбонлари дала ва боғларда фидокорона меҳнат қилиб, эл дастурхонига турли хил ноз-неъматлар етказиб бериш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ,
У. УМАРОВ.

• Ошкора мусоҳаба

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚОНУНГА ҲУРМАТДАН БОШЛАНАДИ

Маҳаллий ҳокимият идоралари қайта ташкил этилмоқда. Президент бошқарувининг изчил тизими тариқасида вилоят, шаҳар ва районларда ҳокимликлар тузилди. Бу ижроия ҳокимиятни мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг топширилган иш учун шахсан масъулиятини кучайтириш мақсадида қилинаётганлиги маълумдир.

Лекин вилоятимиз ҳокими ўринбосарларидан бирининг бевосита ҳуқуқ-тартибий идораларига мутасаддилик қилиши муайян даражада янгилик бўлди. Чунки, аввалларида ижроқўмларда саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятга раҳбарлик қилувчи раис ўринбосарлари бўларди. Прокуратура, суд, милиция мутасаддилик эса умумий, ҳам раис, кўпроқ ҳам унинг биринчи ўринбосари томонидан бошқарилардик.

Вилоят ҳокими ўринбосарига бевосита ҳуқуқий масалалар билан шуғулланиш топширилишини мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги биринчи қадам деб баҳоласа бўладими? Бошқа вилоятларда ҳам шундай тажриба қўлланиляптими? Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Баҳодир МАХСИТОВ билан ошкора мусоҳабамизни шу саволдан бошладик.

— Ҳақиқатан ҳам биз Ўзбекистон ҳуқуқий давлат бўлишини очиқ-ойдин эълон қилдик. Эҳтимол, ҳуқуқий давлатнинг ўзи нима, деган саволга ойдинлик киритиш жоиздир. Ҳуқуқий давлатнинг анчагина шакл-шамойиллари бор. Аммо буни лўнда, ҳамма учун тушунарли тарзда ифодаламоқчи бўлсак, ҳуқуқий давлат — ҳар бир соҳада, ҳамма учун қонуннинг устиворлиги, амалдаги қонунга амал қилиш жамият барча аъзолари учун ҳам фарз, ҳам қарз, деган бўлардим.

Шу билан бирга «биз ҳуқуқий давлатмиз», деб эълон қилишнинг ўзи кифоя этмаслиги тушунарлидир. Энг аввало биз барча қонун, ҳуқуқий ҳужжатларимизни халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларига мос бўлишига эришишимиз керак. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳуқуқий давлат қуриш бизнинг мақсадимиз, деганлар. У киши ўз вақтида «Хельсинки акти» деб ном олган Европа ҳамкорлик ва хавфсизлик тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бу билан биз халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларини, шу жумладан инсон ҳақ-ҳуқуқлари Декларациясида баён этилган қонун-қоидаларни ҳам тан олишимизни билдирдик.

Ҳуқуқий давлат қуриш йўлида Президентимизнинг саъйи ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш керак. У кишининг бевосита ташаббуси ва иштироки билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сўнгги бир ярим йил ичида кўпгина ғоят муҳим, халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларига мос тушадиган қонунлар қабул қилди. Қонунчилигимизни мустаҳкамлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Яқинда Асосий Қонунимиз дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши эълон қилинди.

Ана шундай шароитларда ҳокимликда бевосита ҳуқуқий масалалар билан шуғулланиш давр талаби, ҳаёт тақозоси бўлганлиги шубҳасиздир. Ҳоким ўринбосарларидан бирига бу иш топширилиши фикримча, жуда тўғри қарордир. Биздан ташқари бундай тажриба Хоразм, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳам қўлланилаётганлигидан хабарим бор. Ўзи бутун маърифатпарвар дунё тажрибаси ҳокимият тизимларида ҳуқуқшунослар кўпчиликни ташкил этишини яққол кўрсатиб турибди.

Бунинг яна бир жуда муҳим сабаби бор. Ҳуқуқий давлат бундай мамлакатда халқаро қонун-қоидаларга мос ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишигина эмас, янада муҳими жамиятда уларга сўзсиз риоя этилишини ҳам тақозо этади.

— Гапингизни бўлган бўлсам, узр. Яқин ўтмишимиз ҳаётимизда қонун устуворлигидан эмас, балки биринчи шахснинг амри вожиб бўлганлигидан гувоҳлик бермайдими? Келажакда бунга йўл қўймасликка қандай кафолатлар бор?

— Бу мураккаб масала. Ҳақиқатан ҳам қонунни писанд қилмайдиган, ўзи хон, кўланкаси майдон бўлган раҳбарлар учраб турарди. Шу билан бирга мен ҳаммага қора лой чаплаш тарафдори эмасман. Олдинги даврларда ҳам халол, виждон билан иш тутган, халқ ғамида бўлган раҳбарлар кам эмасди. Шунингдек, бугуни кунда ҳам орамизда нопок, фақат шахсий манфаатини ўйлайдиган раҳбарлар йўқ дейсизми?

Менимча, ўтмишда қонунни суиистеъмол қилишлар билан бирга бу қонунларнинг мукаммал бўлмаганлиги, уларда биринчи ўринга синфий манфаатлар қўйилмаганлигини айтиш керак. Биргина мисол. Қонунларимизда бир хил миқдорда давлат мулкини ўғирлаганларга бир жазо, фуқаролар мулкини ўғирлаганларга иккинчи — енгилроқ жазо бўларди. Ҳолбуки, ўғри-ўғри. Аммо, давлат мулки ўғриларга жазо қанчалик оғир белгиланмасин, ҳалигача «ташмачи»лар йўқолмаганлигини тан олмай иложимиз йўқ. Демак гап, биргина жазонинг оғир-енгиллигида эмас экан.

Жамиятда қонун устиворлигини таъминлашнинг бутун дунё томонидан эътироф қилинган йўли мавжуд. У ҳам бўлса ҳокимиятни учга — фармойиш чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлишдир. Ана шу уч ҳокимиятнинг ваколатлари қонунда аниқ-равшан кўрсатиб қўйилса, бунга амал қилиш қатъий назорат остида бўлса ўтмишимизда рўй берган қонунни поймол қилиш каби шармандали ҳоллар қайтарилмаслигига ишончли кафолат бўлади.

— Аммо бунинг учун жамиятнинг ўзи қонундан, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларидан яхши хабардор бўлиши керакмасми? Балким даъвом нотўғридир, бироқ, фикримча, биз ҳали ҳуқуқий жиҳатдан чаласаводмиз. Умумий таълим мактабларида нимадан сабоқ беришмайди. Фақат турмушда ҳар куни, ҳар соат сув ва ҳаводек зарур ҳуқуқий билимларга чала-чулпа ўқитишади. Қонунга ҳурматсизлик, шу билан бирга фуқаролар қонуний ҳақ-ҳуқуқларининг камситилиши илдизларини шу ердан қидириш керакмасмикин?

— Ҳа, жамиятимизда ҳуқуқий саводхонликка эришмасдан, ҳуқуқий давлатни қуриш осон кўчмайди. Қонунни ҳамма билиши шарт. Шу сабабли ҳам қонунларда уларни билмаслик қонунбузарларни қилмишлари учун жавобгарликдан соқит қилмайди, деб кўрсатилган. Албатта, қонунларга мактаб партасидан ўргатиш зарур. Бунинг учун ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Ҳуқуқий тарбия билан шуғулланувчи қонуншунос мутахассислар тайёрлаш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Раҳбар эса қонунни ўз ихтисослигидан кам билмаслиги шарт. Менга қолса раҳбарликка ҳуқуқий билимлардан имтиҳон топшира олганларнигина қўярдим.

— Ҳокимлик тизими жорий этилиши билан бунинг аҳамияти янада ортмадими? Ахир, шаҳар, район ҳокимлари ўз ҳудудларида ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланадиган фармойишлар чиқарадилар. Улар қонунга мос бўлмаса ноқонуний ҳисобланса керак...

— Бу ўта жиддий муаммо. Биз амалда ўтиш даврини бошимиздан кечирямиз. Қабул қилинаётган қонунлар ҳозирча бир яхлит даражада шаклланиб бўлгани йўқ. Амалдаги, собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган пайтда қабул қилинган қатор қонунларнинг қоидалари эскириб қолди. Таъбир жоиз бўлса, ўзига хос қонуний бўшлиқ ҳолати ҳам сезиляпти.

Биз шаҳар ва районларда қўшма, кичик корхоналар ташкил этиш бўйича ҳужжатларда анчагина камчиликлар учраб тураётганини аниқлаяпмиз. Шунинг учун вилоят ҳокимлигининг давлат ва ҳуқуқ бўлими ходимлари жойларда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганмоқдалар, аниқланган камчиликларни кўрсатиб, уларни тузатишда ёрдам бермоқдалар.

Ҳокимликларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинаётган фармойиш ва қарорларда, афсуски, камчиликлар жуда кўп. Аммо шундай бир ҳолда қатор ҳокимликларда адлия ходими «юрист» штати қисқартириб юборилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин. Бундай штатлар ҳозир вилоятимизнинг атиги тўққизта шаҳар ва районида қолибди. Ҳуқуқий талаблар даражасидан қараганда чаласаводлик билан қабул қилинаётган фармойиш ва қарорлар бунинг касри бўлмоқда.

Катта-катта корхоналар раҳбарлари ҳатто ходимларни ишга олиш, ишдан бўшатиш қонунининг қоидаларини билмайдилар. Столлари устида эса эски, совет тузуми даврида қабул қилинган қонунларга кўзингиз тушади. Бунинг устига қонунни яхши билмаслик жуда қиммат-га тушишини ҳам ҳисобга олиш керак. Энди эса биз халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Бу раҳбарларимизнинг нафақат Ўзбекистон, балки халқаро қонун-қоидалардан ҳам яхши хабардор бўлишларини талаб этади.

— Қонунга ҳурмат ҳақида гап бораётган экан, яна бир масалани айтмасликнинг иложи йўқ. Санъатда «театр кийим ечиш жойидан бошланади» деган ибора бор. Шу таърифни суд идораларига тадбиқ этадиган бўлсак, уларнинг биноларини, жиҳозларини нақадар ночор ҳолда эканлигидан ҳафа бўлиб кетасан, киши. Томидан чакка ўтадиган, поли чириб кетаётган рангсиз, нурсиз бундай биноларда қонунга олий ҳурмат туйғуларини уйғотиш осонми?

— Суд, нотариал, ЗАГС, адлиявий маслаҳатхоналар ва бошқа маъмурий идоралар бинолари ҳақиқатан ҳам жуда ночор аҳволда. Йил бошида республикамиз Президенти уларни қисқа вақт ичида тартибга келтириш ҳақида алоҳида кўрсатма бердилар. Ҳуқуқ тартибот ва маъмурий идоралар моддий техника асосини мустаҳкамлаш, уларга машиналар ажратиш ва бошқа техникалар билан таъминлаш чоралари ҳам белгиланган. Бу муаммога Президентнинг ўзи алоҳида эътибор бераётганлиги кўп нарсалар яқин вақт ичида ижобий ҳал қилинишига катта умид туғдиради. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам бу масалада тегишли ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

— Жиноятчиликнинг кейинги йилларда кескин ортганлигини баъзан иқтисодий танглик билан боғлашади. Иккинчи томондан, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг шаън-қадри етарли даражада ҳурмат қилинмай қўйилганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Шу билан бирга қонунчилик посбонлигида турганлар фаолияти ҳам кескин танқидга учраяпти. Сизнингча, бу фикрларнинг қайси бири тўғри?

— Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламаганидек, юқоридаги мулоҳазаларнинг ҳаммасида жон бор. Ижроия ҳокимиятининг бўшаши ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Ҳамма соҳада интизомнинг бўшашиб кетиши, масъулиятсизлик, жиноятчилик авж олишига асосий сабаблардан бири, деб ўйлайман. Албатта, иқтисодий танглик, етишмовчиликлар ҳам ўғриликнинг кучайишига олиб келди. Собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларидан фарқли ўлароқ, республикамизда шу жумладан вилоятимизда нисбатан барқарорлиннинг сақлаб турилиши, жиноятчилик даражасининг пастлиги бизни асло хотиржам қила олмайди. Ҳали ҳуқуқ-тартибот идораларимиз ишида камчиликлар, хатолар кўп. Уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Милиция, прокуратура ўзининг бевосита вазифаларини бошқаларнинг зиммасига ағдариш ниятида эмас. Лекин, улар жамоатчиликнинг мададисиз бир ўзи жиноятчиликни жиловлаши қийин. Фикримча, тез орада маъмурий идораларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш керак. Бу масаладаги ноаниқлик, айниқса, қўйи идораларимиз фаолиятига салбий таъсир кўрсатяпти.

Ҳокимликлар прокуратура, умуман маъмурий идоралар билан ҳамкорликни тўбдан яхшилашлари керак. Прокурор— қонун посбони. Ўз ҳудудида у ҳаммаларнинг, шу жумладан раҳбарларнинг ҳам қонунга қатъий риоя этишларини назорат қилишга даъват этилган.

Ҳокимлик билан маъмурий идоралар ўртасида амалий ҳамкорликка яхши мисол тариқасида Ангренни келтирсак бўлади. Шаҳар ҳокими С. Юсупалиев фуқаролар тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун вақтини ҳам, куч-ғайратини ҳам аямайди. Бу ерда бошқа жойлардагидан фарқли равишда халқ дружиналарининг иши кўзга кўрсинга ташкил этилмаган. Улар чинакамига осойишталик посбонларига айланганлар. Ҳоким корхона, ташкилот муассасалар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, милицияга етарли даражада машина ажратиб берди. Улар мунтазам равишда шаҳар бутун ҳудудини милиция назоратига олиш имконини берди. Одамларнинг тинчлиги, хотиржамлигидан ҳам муҳимроқ масала борми? Шаҳар ҳокими буни чуқур ҳис этади ва шу тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун ҳамма шароитларни яратишга интилади. Қани энди ҳамма ҳокимларимиз ҳам шундай иш тутсалар.

— Муштарийларимизга ўзингиз ҳақингизда ҳам гапириб берсангиз. Дунёқарашингиз, қизиқишларингиз, орзуларингиз, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларга муносабатингиз, орзуларингиз...

— Деҳқон фарзандиман. Отам — Тошкент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 13 ёшдан оддий колхозчи бўлиб ишлаганлар. Ҳозир пенсиядалар. У киши асл деҳқонлар. Биз беш ўғил отамизга қарашардик. Онам ҳам колхозчи бўлиб ишлаганлар. Улар ҳам қариликка гаштини суряптилар. Ўзим ҳам 14 ёшимдан колхозда ишлаганман. Шу сабабли саккизинчи синфдан кейин ўрта мактабни ҳам, олий ўқув юртини ҳам, кечқурун ўқиб битиришга тўғри келган. Ростини айтсам бўш вақтим жуда кам. Уни ойлам даврасида, дўстларим билан ўтказишни ёқтираман, Ҳаммамиз спортга қизиқамиз. Ўғлим Баҳром Охунбобоев номли жамоа хўжалигида спорт йўриқчиси, айни пайтда талаба. Шарқ якка кураш услублари бўйича республика чемпиони.

Ҳаётимда адолатсизликни ҳам бошимдан кечиришимга тўғри келган. Яқинларимиздан бирининг судланганлиги туфайли мени Сирдарё вилояти адлия бошқармасида эгаллаб турган вазифамдан озод этишган. Шундан кейин спорт ташкилотларида ишлашга мажбур бўлганман. Вақти келиб ҳақиқат қарор топиб, республика Олий судига аъзо, адлия вазирлигида бошқарма бошлиғи, вазир муовини бўлдим. Суд органларида ишладим. Вилоят ҳокими ўринбосарлиги вазифасига вазир муовинлигидан келдим. Бу ерда мен ҳуқуқий давлат ташкил қилишга кўпроқ фойда келтиришим мумкин, деб ўйлайман. Умуман асл орзуим ҳуқуқий давлат тузилиши. Яна тинчлик бўлсин. Ҳамманинг, менинг ҳам фарзандларим соғсаломат яшасинлар.

Суҳбатни Адолат НОСИРОВА олиб борди.

ҲАЖ САВОБИНИ ТОПДИЛАР

ТОШКЕНТ РАЙОНИДА 146 НАФАР ЎҒИЛНИНГ СУННАТ ТЎЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

Дунёда бағри кенг, қалби меҳр-шафқат туйғусига тўла, эл-юртни ўйлайдиган одамлар кўп. Бундайлар ўзларининг юксак инсоний фазилатлари билан минг-минглаб кишиларнинг кўнглини оладилар, улар қалбига қувонч бағишлайдилар. Яқинда ана шундай элпарварлардан бири — Тошкент райони Ҳокими Рустам Акбаров катта ҳайрли ишга бош-қош бўлди. Унинг ташаббуси билан бир йўла районда 146 нафар ўғилнинг суннат тўйи бўлиб ўтди. Жуда катта шодиёнага айланган бу тадбирни бошлашдан олдин Ҳоким фаоллар билан кенгашди. Ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда оилаларни ижтимоий муҳофаза этиш зарурлигини қайд қилиб, суннат тўйлари бўйича фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Таклифи тамомила қўллаб-қувватлангач, тўй комиссияси тузилди.

Шундан сўнг деярли ҳар куни ўзи, муовинлари — Сирожиддин Аъзамов, Тоир Турсуновлар комиссия ишини мувофиқлаштириб бордилар. Район ҳудудидаги барча қишлоқ кенгашлари, Келес шаҳар Кенгаши ўз ихтиёрлари билан суннат тўйини биргаликда ўтказадиган оилаларни аниқлаш билан изчил шуғулландилар.

Ноҳиядаги қатор кичик корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар, ишбилармонлар тўй ҳаражатларини зиммаларига олдилар. Бу борада айниқса, Музаффар Умаров, Мансур Азимов, Муҳарбек Тадиев, Муҳаммаджон Қобулов, Акром Абдуазимов, Ҳамидулла Шукуровлар алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Улар бошлаган ҳайрли иш туфайли тўй учун 300 минг сўм тўпланди. Бу маблағдан ҳар бир тўйбола ҳисобига 500 сўмдан пул ўтказилиб, омонат дафтарчалари очилди. Болаларга жуда чиройли тўй либослари тайёрланди. Тўрт мингга яқин меҳмонга базм ва наҳорги ош дастурхони ёзилди.

Ўтган куни районда бу тўйга нақадар уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик. Карнай, сурнайлар, мусиқа садолари деярли кун бўйи янгради. Соат кундузги 4 дан бошлаб автобуслар барча қишлоқ ва Келес шаҳар Кенгашларидан тўйболаларни ҳамда уларнинг ота-оналари, қариндошларини пешма-пеш тўйхонага таший бошладилар. Унгача Ҳокимликка кираверишда суннат тўйи урфига кўра тахтурар ўтказилиб, райондаги 10-ўрта мактаб директори Матлуба Холиқова, Ҳоким ўринбосари Азима Ҳакимова, район Халқ демократик партияси ходими Дилбархон Поччаева ҳамда қатор онахонлар ўрин-кўрпаларни чиройли қилиб тахлаб қўйдилар. Фалаклар, зардеворлар, гиламлар осилди. Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва район маҳаллий саноат комбинати жамоаси тўй учун зарур ўрин-кўрпалар, поёндозларни, зардеворларни етказиб бердилар.

Базм бошланишидан аввал хуш қироатли Саидаҳмадқори тиловат қилдилар, сўнг 9-та катта қўй сўйилди. 9-та ош-қозон ўрнатилди. Катта самоварларга олов ташланди.

Биз Ҳокимиятга кираверишда тахтурарни томоша қилиб турган Гулистон қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳури аяни суҳбатга тортдик.

— Шу тўйга бош-қош бўлганлар,— деди у,— хажга борганлардек зиёда савобга эга бўладилар. Мен бу тўйга набирам Ҳайруллани қўшганман. Барака топгур келиним Саидахон билан аввал маслаҳатлашдик. Ўйлаб кўрсак, суннат тўйига кетадиган камида 20 минг сўмимиз ёнимизга қолар экан. Мендақа оиладан нечта денг. Илоё, шу тўйга жазм қилганларни худо ёрлақасин.

— Кампир тўғри айтяптилар,— дейди Тошкент район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси Зайниддин Нуриддинов,— фаоллар йиғилишида биз ҳам хомчўт қилган эдик. Бугунги тўй туфайли оилаларнинг 3 миллион сўмга яқин пули ўз ёнларида қолар экан. Энди улар бу маблағларини бошқа яхшиликларига ишлатишади. Оғир кунларда бундай тадбиркорлик билан ишлаётган Ҳокимимиздан биз кексалар ҳам хурсандмиз.

Ҳиёбонда Турдигул ва унинг умр йўлдоши Қайриғалини ширингина ўғилчалари Воҳиджонни етаклаб сайр қилиб юрганларида учратдим.

— Ҳозирги мушкул шароитда тўй қилишнинг ўзи бўлмайди,— дейди Турдигул.— Шу жиҳатдан олганда, Ҳокимлик оиламизга жуда катта енгиллик яратиб берди. Бу яхшиликни унутмаймиз. Сидқидилдан меҳнатимиз билан бунга жавоб берамиз.

Шу куни Навоий номли колхоздан келган Санобархоннинг жажжилари Тоир, Зоиржонлар билан ҳам гаплашдим. Улар тўй бўлаётганларидан хурсандлар. Болалар совғага олган самокатлари ҳақида ҳам мамнун бўлиб гапириб бердилар. 146 нафар болага бундай совғаларни Тошкент район Ҳокимлиги ҳамда вилоят болалар жамғармаси биргаликда тайёрлашди.

Кутилган фурсат ҳам етиб келди. Извош аравалларда чеҳраларида бир олам табассум билан бирин-кетин тўй болалар даврага ташриф қилиндилар. Шундан сўнг базм кечасини район Ҳокими Рустам Акбаров очди. У ота-оналарни қутлар экан, тўйболаларга сиҳат-саломатлик тилади. Тўйни саҳоват йўли билан ўтказиб бераётган барча тадбиркорларга миннатдорчилик билдирди. Сўнгра Ҳоким муовини Сирожиддин Аъзамов меҳмонларни ана шу ишбилармонлар — тўй ташкилотчилари билан таништирди.

Кечани Ўзбекистон телевидениесининг эл ҳурматига сазовор бўлган диктори Муслим Йўлдошев бошқариб борди.

Меҳмонлар бу тантанада иштирок этган Қозоғистоннинг Сарағоч, Ленин районлари вакилларининг табрик сўзларини алоҳида иштиёқ билан тингладилар.

— Биз Тошкент райони билан узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келамиз,— деди Сарағоч районининг Ҳокими Ўрозгул опа,— еримиз — еримизга, дилимиз-дилимизга туташ. Мен Рустам акани билимдон раҳбар, заҳматкаш инсон сифатида билар эдим, энди эса уни эл отаси сифатида ҳам алоҳида меҳр билан ҳис этиб турибман. Унга, тўй болаларга сиҳат-саломатлик, тилайман. Азиз меҳмонлар, қозоғистонлик дўстларим, дугоналарим номидан бугунги катта тантанангиз билан табриклайман. Болалар ўсиб-ўниб, воя етиб, улар орасидан жамиятга ҳалол хизмат қиладиган йигитлар камол топишига тилакдошман. Қозоқларда бир мақол бор: «Инсон бошини силаган одам, узоқ умр кўради». Рустам ака худо хоҳласа шундай узоқ умрга лойиқ.

Базм оқшомида тўйболаларни халқ академиги Зайниддин хожи ота, қозоғистонлик меҳмон Болтақори Ўрозов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳакима Исмоилова, Ўзбекистон халқ ноиби Дадахон Ёқубов ва бошқалар ҳам табриклашдилар.

Суннат тўйига шу куни жуда кўплаб санъаткорлар ташриф буюрдилар. Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ давлат рақс дастаси, Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг Ҳусан Носиров раҳбарлик қилаётган ёш доирачилар дастаси тўйболаларни қутладилар. Меҳмонлар таниқли хонандалар Нуриддин Ҳамроқулов, Ғуломжон Ёқубов, Бахтиёр Тўлаганов, Султонпошша Ўдаева, Эркин Рўзиматов, Муҳриддин Ҳолиқов, Маҳмуджон Азимов, кулги усталари Мирзабек Холмедов, ака-ука Хожиев, Собит Асомовлар ижро этган оромбахш қўшиқлар, ажойиб интермедиялардан хушнуд бўлдилар.

Тўй файзли ва мазмунли ўтди. Уни таниқли меҳнат фаҳрийси, Муҳаммаджон Фозилов номли колхоз раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов ниҳоялар экан, бундан буён районда ана шундай хайрли анъаналар давом этажагини билдирди.

Болажонларнинг тантаналарида Тошкент вилояти Ҳокимининг биринчи муовини Шаҳло Насимовна Маҳмудова, муовинлари Ҳакимжон Ҳамидов, Баҳодир Махситовлар иштирок этдилар.

— Келгусида режаларимиз катта,— дейди Рустам Акбаров, — оилалар билан маслаҳатлашиб шу йили ёшларнинг никоҳ тўйларини ҳам бир кунда биргаликда ўтказиш ниятидамиз. Аниқроғи, шунга ҳозирлик бормоқда.

Ишонамизки, Рустам ака бу ниятига ҳам етади. Чунки унинг маслаҳати билан иш юритадиган ишбилармон, элпарвар таянчлари бор. Яна бир кафолат — ана шу тадбиркорларнинг мунтазам отахонлардан дуо олишларидир. Дуо олганлар эса албатта муродга етадилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА: суннат тўйидан лавҳалар.
Суратқаш **В. ХАРИТОНОВ.**

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ТАЙЁРАГОҲ ОЧИЛАДИГАН БЎЛДИ

● МАЪЛУМКИ, Босния ва Герцеговина аҳолисига хизмат кўрсатадиган Сараево тайёрагоҳи анчадан бери ишламаётган эди. Муҳолиф томонлар тўқнашуви натижасида тайёрагоҳ бирмунча яроқсиз ҳолга келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролли қучлари штаби бошлиғи генерал Л. Мэкензи ўтган ҳафта охирида Сараево тайёрагоҳини тиклаш мақсадида 50 нафар франциялик техник-мутахассислар билан Сараевога келди. БМТ зобитлари муҳолиф томонлар раҳбарлари билан қийин муз окаралар олиб бордилар.

Бу худудда ишовчи серблар ва мусулмонлар, шунингдек, Босния ва Герцеговина Раёсати аъзолари билан бўлган мулоқотлар натижасида, ниҳоят, бир битимга эришилди. Сараево тайёрагоҳи очиладиган бўлди. Уни тиклаш ишлари уч босқичда амалга оширилади.

ШАРТНОМАЛАР ҚУЛ ҚЎЙИШГА ТАЙЁР

● АНГЛИЯ пойтахти Лондонда Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Ж. Бейкер ва Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев учрашувлари тамом бўлиши муносабати билан сўзга чиққан АҚШ президенти Ж. Буш музокараларининг натижаларидан мамнун бўлганлигини изҳор қилди. Россиянинг АҚШдаги элчиси В. Лукин эса Б. Ельциннинг АҚШга қиладиган сафари тўғрисида гапириб, ҳозирги пайтда Россия—Америка муносабатларига доир 12—15 шартнома қўл қўйиш учун тайёрлаб қўйилганлигини эълон қилди. Жумладан, бу шартномалар орасида стратегик ҳужум қуролларини қисқартиришга тааллуқли битим ҳам бор.

КАДДАФИИГА ТАҲДИД ҚИЛИНДИ

● ЯҚИНДА Ливиянинг нуфузли ташкилотлари Англия томонига Ирландия Жумҳурият Армияси деб аталган жанговар гуруҳ сирларини хабар қилганлиги учун Ирландия Жумҳурият Армияси вакиллари Ливия ниқилоби раҳбари Муамар Каддафийга дўқ-пўписа билан таҳдид қилдилар. ИЖАга тааллуқли маҳфий маълумотлар орасида унинг жанговар қуналгоҳларига ҳамда унинг қарамоғида бўлган турли қуроллар турларига тегишли маълумотлар ҳам бор эди.

ШАХСИЙ МАКТУБДАГИ ЭЗТИРОФ

● ЯҚИНДА Россия президенти Борис Ельциннинг шахсий мактуби АҚШ конгрессининг ҳарбий асирлар ҳамда дом-даракси йўқолганлар билан шуғулланувчи сенат қўмитаси раисига етказиб берилди. Унда 50-йилларда собиқ Совет Иттифоқи осмонида бир неча Америка тайёралари уриб туширилганлиги тан олинди. Уларнинг кўпчилиги СССР хибсхоналарига қамаб қўйилган, айримлари эса руҳий касалхоналарда сақланган эканлар.

СЎНГГИ БАНДИЛАР

● РЕЙТЕР ахборот агентлиги Ливандан хабар берди: бугун-эрта Ғарбнинг Ливанда ушлаб турилган бандиасирларининг энг сўнггилари — Германия фуқаролари Хайнрих Штрюбинг ва Томас Кемптнерлар озод этилади. Бу ҳақда хабар берган манбалар маълумотларига қараганда, асирлар Германия Федератив Жумҳуриятининг Дамашқдаги вакилларига топширилади.

РУДОЛЬФ ГЕСС «СИРЛАРИ» ОШКОР ЭТИЛДИ

● КУНИ кеча Лондонда Рудольф Гессга тааллуқли барча маҳфий ҳужжатлар ҳамма қизиқувчилар учун очиқ деб эълон қилинди. Рудольф Гесс ким эди? У Гитлерининг партия бўйича ўринбосари бўлган. 1941 йил 10 майда Р. Гесс ўз тайёрасида бутун Оврупони кесиб ўтиб, Шотландияга қўнгач, Р. Гессни Англия маъмурлари ҳибсга олган эдилар.

Улуғ Ватан уруши тамом бўлганидан сўнг Р. Гесс барча фашист жиноятчилари билан биргаликда Нюрнбергда суд қилинди. Халқаро трибунал уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Яқинда Англия бош вазири Ж. Мейжор ҳукумат фаолияти имкони борича ошкора бўлиши лозим, деб айтган сўзларидан сўнг Буюк Британиянинг энг катта ҳужжатхонаси — «Паблик рекорд офис»да сақланаётган Р. Гесс ҳужжатлари ҳам умум эътибори учун очиб қўйилди. Р. Гесс ҳужжатлари минг саҳифадан иборат. Уларнинг ичида сўроқ стенограммалари, Р. Гесснинг Англия ҳукумати аъзоларига, шунингдек, Германиядаги ҳомийларга, жумладан, Гитлерга ёзган мактублари бор.

ОМАДСИЗ ЎҒРИ

● АВСТРАЛИЯНИНГ Сидней шаҳрида қизиқ бир воқеа содир бўлди. Қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаш ниятида йирик давлат ташкилотларидан бирига ўғирликка кирган кимса темир панжаралар орасида қисилиб қолди. Гап шундаки, у ҳаддан ташқари семиз экан. Қисилиб қолган жойидан чиқа олмаган 23 яшар ўғри полициячилар қўлига тушди. У хурсанд. Чунки, у қисилиб қолган жойи — тепаликдан пастга тушиб кетганда бормиш, тил тортмай ўлар эди.

ХОРИЖЛИКЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

● РОССИЯ федерациясининг ишлар вазирлиги матбуот марказида бўлган мулоқотда вазир В. Ерин кейинги пайтларда, асосан, хорижликлар россиялик ўғирларнинг «қурбонлари» бўлаётганлигини хабар қилди. Бундай маълумотлар чет эллиларни сезгирликка чақирмикин?!

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• МУШОИРА—92

Маҳмуд ТОИРОВ — «Паркент тонги» рўзномасининг муҳаррири. Шеърлари жумҳуриятимиз рўзнома ва ойномаларида босилиб туради. Яқинда муаллифнинг «Айт энди, юрагим» номли илк тўплами нашр этилди.

ЎКИНЧ

Сизни ёдга олдим Наврўз тонгида,
Чеҳрангизни кўрдим баҳор рангида,
Овозингиз қушларнинг шўх оҳангида,
Шу қутлуғ баҳорни кўрмай
кетганлар.

Кўз очган куртаклар — хуш
қарашингиз,
Гул юзида шабнам — кўзда
ёшингиз.
Баҳор олган яшолмаган ёшингиз,
Шу қутлуғ баҳорни кўрмай
кетганлар.

Ялпиз шохларида армон ўксинар,
Сизларни соғинган ҳар жон ўксинар.
Табиб тополмаган дармон ўксинар,
Шу қутлуғ баҳорни кўрмай
кетганлар.

Шаҳид кетган укам — лолани кўриб,
Онамни ўртаган нолани кўриб,
Сойлар — отам қайга борар ўкириб,
Шу қутлуғ баҳорни кўрмай
кетганлар.

Кўзларим — осмондир, тўлиб
турибди.
Юрак қон ютсада уриб турибди,
Лекин толенмиз кулиб турибди,
Озод Туронида юрмай кетганлар,
Шу қутлуғ баҳорни кўрмай
кетганлар...

ПОКЛИК

Умидли дунёнинг нурли тонгида
Қалам териб олар дилдаги дардим.
Кўз очган ғунчанинг сирли рангида
Рухсоринг кўрай деб сени ахтардим.

Турфа қушлар уйғонинг дебон.
Ҳар ниҳол қулоғига азон айтар.
Савобдир ғафлатдан уйғонса ҳар
жон,
Бандадан қайтмаса, Аллоҳдан қайтар.

Савоб умидида поклик улашиб,
Шабнамлар япроқлар юзин чаяди.
Бир повдада тикон гулла сирлашиб
Гулни асрар, кўрган кўзлар куяди.

Поклик — тонг кўзида туғилган
орзу,
Қуёш унга нурдан белончак ясар.
Мажнунтол соч ёйса, оқар сув —
кўзгу,
Қирғоқлар бетига ялпизлар тошар.

Баргларидан анбар тўкилиб турган
Райҳонларни онам силаб ўлтирар.
Ниҳоллар қатига поклик жо этган
Елғиз яратганга имон келтирар.

Поклик — умримнинг шу нурли
тонгида
Шукрона дил билан васлингга
қондим.
Сен кулиб турибсан гулнинг рангида,
Лекин сени инсонлардан ахтардим...

ЧУМОЛИГА КЕЛАР ҲАВАСИМ

Ўз ризқини ўзи ташийди,
Судралса-да, мағрур яшайди.
Одам шундоқ бўлса, кошкийди,
Чумолига келар ҳавасим.

Етимларнинг ҳақини емас,
Бировларнинг пойини ўпмас.
Бир жонивор — у одам эмас,
Чумолига келар ҳавасим.

Ўзи зарра, ранги қорадир,
Митти кўзда меҳр ёнадир.
Бир-бирига кўп парвонадир, —
Чумолига келар ҳавасим.

Тизилишиб юради улар,
Эзилишиб юради улар.
Балки йиғлар ё балки кулар,
Кулса биздан кулади улар, —
Чумолига келар ҳавасим.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ШЕЪР ҲАҚИДА ШЕЪР

Кейинги пайтларда «Адабиёт ўладими?», «Шериятнинг нима кераги бор?» деган саволлар қулоққа чалинаяпти. Маънавиятимиздаги инқироз билан боғлиқ бу муаммолар барча ижодкорлар қаторида каминани ҳам безовта қилади.

Шеърни камситмагин бир четга суриб,
Шоир зотидан ҳеч кулмагин зиҳор.
Балким сен ҳаётни бир тусда кўриб,
Унутдинг, эртага келишин баҳор.

Она табиатга минг-минг ташаккур.
Ҳар гиёҳ, ҳар чечак майин кулади.
Очиқ деразангдан тушганинда нур,
Азизим, шунда шеър керак бўлади.

Турмуш машаққатин кўрганингда сен
Дейсан: оч қоринга қўшиқ на ҳожат?
Хаёл оғушида олганингда тин,
Асосий нарсани унутдинг фақат.

Минг қийин бўлса-да тўхтамайди тўй,
Ўн саккиз ёшлилар кулаверади.
Бор гина-кудратни бир чеккага қўй,
Шундай чоғ шеър керак бўлаверади.

Ҳали яшар экан бўҳтону ёлғон,
Олтинчи бармоқ бор инсон наслида.
Алданган чоғинг сен —шоирга ишон,
Фақат шеър алдамас, билсанг, аслида.

Чайқалиб сузганда ишқ номли кема,
Кўз ёшни кўрганда раҳминг келади.
Ўшанда сен шеърни керакмас дема,
Ўшанда шеър албат керак бўлади.

Ишонч камайяпти дегани чиндир,
Борни бор, йўқни йўқ қилмоқда элак.
Дўстим, сен шубҳаю аламни синдир,
Шунда шеър — ҳамроҳдир,
Шеър доим керак!

Қуйнлар томчилаб-томчилаб меҳр,
Ишқга зор пиёланг лим-лим тўлади.
Қалбингни тарк этиб кетганда қаҳр,
Ўшанда яна шеър керак бўлади.

Биласан, бир куни паймона тўлиб,
Ҳамма ҳам бирма-бир кетаверади.
Ўшанда қалбингда зарра нур бўлиб,
Кўзингдан чин дўстинг ўтаверади.

Ҳар тонгда ҳовлига чиқсанг ялангбош,
Сарин ел соч тараб елаверади.
Дарчангдан боққанда онажон —қўёш,
Бирор шеър ўқигинг келаверади.

Шеър — сирдош,
Шеър — йўлдош,
Ҳамроҳ — шеър керак!

ТЎЛҚИН.



● ОҚҚЎРҒОН районидаги «Маданият» жамоа хўжалигида қирқдан зиёд Улуғ Ватан уруши қатнашчилари истиқомат қилади. Улар ўзаро тез-тез учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, борди-келди қилиб туришади, ўтмишни хотирлаб ҳалок бўлган қуролдошлари хотирасини ёдга олишади. Суратда: Салим ота Назаров ва Усмонали ота Мусақов яна дийдор кўришганликларидан яратганга шукроналар айтишмоқда.

П. ЭРГАШЕВ сурати.

ОДАМЛАРГА ҳайронсан, нуқул нолигани-нолиган. Ваҳимачиларнинг кўпайиб кетганиничи! Е, астағфуриллоҳ. Нима эмиш, нархнаво кўтарилиб кетиб, қутбарака йўқолиб бораётганмиш. Кўчада ҳам, ишда ҳам гап нарх-наводан бошланиб, нарх-навода тугайди. Бошқа мавзуда гап бошланса ҳам барибир нархнавога бориб уланади:

«Ҳой, эшитдингизми, бир қарич боланинг иштони 150 сўм бўлибди, оёқ кийими 100 сўм экан. Болага нарса чидайдими, қандай етказамиз?» деб биттаси ваҳимани бошласа, иккинчиси давом эттиради:

«Ойлик 2—3 баробар ошди, нарх-наво 10—15 ҳисса кўтарилди, инсоф қолмади ўзи, битта қалам уч сўм, битта дафтар ҳам ундан кам эмас. Саккизта болам мактабда ўқийди. Қандоқ қиламан энди?».

Оббо, ваҳима ҳам эви билан-да! Ахир, бола йил — ўн икки ой иштон кийиши шартми? Бу ёғи олди ёз, ялангоёқ юрса, саломатлигига фойда.

Дафтар-қаламга келсак, ҳамма ўқийверса, ким ишлайди?

«Э, қуриб кетсин нархнавоси ҳам!» — ҳасратини бошлайди учинчиси, —на пулда, на рўзғорда барака қолмади. Гўшт фалон сўм, гуруч, ун, ёғнинг ҳам нархи маълум. Нима еб, нима ичамиз, ҳайронман?»

Японлар ақиллик халқ, тўғрими? Тўғри! Ана ўшалар айтишича, гўшт ейиш умрни қисқартирармиш. Немислар ҳам ақиллик, тўғрими? Тўғри! Ўшалар нонни бир кунда бир марта ер экан. Қолаверса, мусулмончилик деган гап ҳам бор. Рўза тутиш керак. Бу ҳам кони фойда.

Тўртинчиси гапни улаб кетади: «Нарх-наво ошиб, таҳчиллик камлик қилгандек, одамлар ўртасидан меҳр-оқибат ҳам кетиб бораяпти. Ана шуниси чатоқда!»

«БИЛАҒОН» БИЛАН СУҲБАТ

(ҲАЖВИЯ)

Бекор гап. Эси йўқларгина бир-биридан узоқлашади. Эси бутунлар қайтага жипслашишяпти. Ёлғон дейсизми? Ҳозир исботлайман. Ўғрини биласиз-а, ҳа, ўша ўзимизнинг ўғри. Аввалари якка-якка ҳолда ўғирлик қилишарди. Ҳозир кўпроқ тўдага бириккиб, иш кўришмоқда. Қаллобни биласиз-а? Ҳа, муттаҳам деганимиз. Аввалари битта-битта юриб, битта-биттадан лақиллатишарди. Ҳозир «Тижорат» деб пешлавҳа ўрнатиб, ўн-ўн бештаси бир бўлиб, тўда-тўда одамларни лақиллатишаяпти. Ишонмасангиз «Тижорат» дўконларига киринг. Бошқаси майлию, ҳатто ҳожатхона қоғозини ҳам тижорат деб 2—3 баробар ортиғига пуллашмоқда. Бунга қоғознинг нима алоқаси бор, дейсизми? Э, содда экансизку! Ахир, тижорат дегани бу ерда йўқ буюмни бошқа ўлкалардан келтириб, халқни таъминлаш бўлади. Хўш, Тошкент минерал сувн, «Пепси-кола», узум шарбати, «Русская водка», «Посолская водка», «Кагор» қайси юртдан келтирилган? Ҳаммаси шу ернинг маҳсули, лекин тижорат нархида. Уюшишда гап кўп. Сизу биз бирлаша олмай, дийдиё ўқиб, лақиллаб юрибмиз. Так что, одамлар бир-биридан узоқлашиб кетаяпти, деган гапингиз нотўғри. Йўлтўсар ҳам, босқинчи ҳам, ўғрию қаллоб ҳам одам қаторида юрибди. Агар инсоф билан айтганда Сизу биздек камсонли эмас, улар кўпроқ.

«Қоғоз йўқ, маънавият булоғи ҳисобланган журналлар икки ойда бир чиқадиган бўлиб қолди», дейди. Ёлғонни эпласанг гапир-ей! Ўзбекнинг соддалиги бор — нима деса ишонади. Шунинг учун ҳам уюша олмаймиз-да! Қоғоз йўқ эмиш. Ўв, нодон, ҳеч киоскаларга қарайсанми, қоғоз бўлмаса турли-туман «вестник»лару «хобби»ю яна антиқа номли ҳар бири саккиз-ўн варақли нашрлар газет бўлмай тўрхалтами?!.

Сенинг газетингга қоғоз топилмаётганининг боисини айтайми? Ҳозир идея ҳам пул, окаси. Майли, журналист экансан, сенга текинга айтаман. Олдин нуқул мақтовни ёзиб, тузумни мақтардинг, қоғоз бор эди. Ҳозир гапингга бир оз рост аралашди, бор ҳақиқатни айтишдан тоймаяпсан. Лекин қоғоз йўқ. Ишнинг кўзини бил, бизнес қил, пул топ, қоғоз топ.

Майли, энди бизга рухсат, кетмасам бўлмайди. Нега дейсанми? Ҳеч кимга «гуллаб» юрма, бир танишимга арзон-гаров мебель олиб бермоқчи эдим. Кутиб қолмасин. Нархи қанча деяпсанми? Янгирма беш! Э, йўқ, орқасида учта ноли ҳам бор. Жуда содда экансан, менга ёқдинг. У-бу керак бўлса, айтавер. Иш жойимми? Ярмаркадаги кооператив дўконида кассирман, ҳамма магазинчи таниш. Ҳар бири билан кунига камида икки-уч мартадан кўришамиз. Сен ҳам кириб тур. Шуям гап бўлди-ю, танишганимиз ҳурмати, сендан маслаҳатимни аямайман.

Билағоннинг сўзларини оққа кўчирувчи журналист:

Дилмурод САИДОВ.

• ФУТБОЛ

ҲЕЧ КИМ ЁН БЕРМОҚЧИ ЭМАС

Швеция шаҳарларида ўтаётган Оврупо биринчилигини «кичик жаҳон чемпионати» дейиш мумкин. Унда қатнашаётган Оврупонинг 8 та сара терма жамоаси дунёда етакчи футбол мамлакатлари ҳисобланади. Мусобақаларга қизиқиш ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам уни Швециядан дунёнинг ҳамма қитъаларига — юздан ортиқ мамлакатга олиб кўрсатилмоқда. Учрашувлар ниҳоятда кескин курашлар билан ўтмоқда. Томонлар эҳтиёткорлик қилишмоқда — ҳеч ким ён беришни истамаётганлиги сезилмоқда.

БИРИНЧИ ГУРУҲдаги тўрттала рақиб иккитадан учрашув ўтказди: Швеция—Франция — 1:1, Дания—Англия — 0:0; Франция — Англия — 0:0, Швеция — Дания — 1:0.

ИККИНЧИ ГУРУҲда қатнашаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги футболчилари жаҳон чемпионлари — Олмония вакилларидан 2 очко олай деб тургандилар. Учрашув тугашига 30 сония қолгандагина олмонияликлар жарима тўпини киритиб, ҳисобни 1:1 қила олдилар. Бу гуруҳда қитъа чемпионлари — голландияликлар Шотландия спортчиларини 1:0 ҳисобида енгдилар. Кеча Шотландия — Олмония, Голландия — МДҲ ўйинлари ўтказилди.

Курашни давом эттирадиган 4 та команда учинчи даврадан сўнг аниқ бўлади. Гуруҳлардаги учинчи давра ўйинлари 17 ва 18 июнда ўтказилади.

РАККА ДАВО ИЗЛАБ

289 НАФАР БЕМОР ҲАЁТГА ҚАЙТАРИЛДИ

РАК (саратон касали). Инсон бу касалликдан шунчалик ҳазар қиладики, ҳатто, унинг номини ҳам тилга олгиси, атагиси келмайди. Кўпинча, ўзаро суҳбатда, кишилар уч ҳарфли касаллик, деб айтадилар. Унга мубтало бўлдингми, охири, эртами-кеч вой бўлиши, келажагинг бўлмаслиги, энг тотли нарса — ҳаётдан маҳрум бўлишинг аён бўлиб қолади. Шу вақтгача неча юз минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди бу касаллик. Дунёдаги энг кўп ўлимнинг турларидан бири шунга тўғри келиши ҳеч кимга сир эмас. Уни «аср касаллиги» деб айтишларининг боиси ҳам шундан.

Эндиликда шу вақтгача бедаво ҳисоблаб келинган бу касалликнинг ҳам давоси топилганга ўхшайди. Бу — рус олимлари гуруҳининг узоқ йиллар давомидаги изланишлари натижаси бўлди. Обрўли ихтирочи ва олим В. Ф. Гудов, диагностика ва жарроҳлик илмий-тадқиқот илмгоҳи директори В. П. Харченко, Нижний-Новгород вилояти бош онкологи Н. Е. Яковлев ва қатор бошқа мутахассислар жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўладиган бу ихтиро муаллифларидир. Бу даволаш усули расман «Ферромагнит гипертермияси ёрдами билан хавфли шишларни даволаш усули» деб аталади.

Маълумки, рак ҳужайралари иссиқлик ҳарорати 43,5 даражада бўлса икки соат давомида ҳалок бўлади. 45,5 даражадаги ҳароратгача қизитилганда ҳам соғлом ҳужайралар ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолади. Шунга асосланилса, оғир дарддан қутилишнинг усули жуда осонга ўхшайди. Амалда эса уни қўллаб бўлмайди. Нима учун дейсизми? Шунинг учунки, бутун бадан ҳароратини бир маромда ошириб бориш амалда мумкин эмас. Чунки, тери остидаги ёғ қатлами мушакларга қараганда 17 баравар тез қизийди. Бу соғлом ҳужайраларнинг ҳалок бўлишига олиб келади. Бутун баданни 43,5 ҳарорат даражасигача қиздириш кўпинча беморларнинг оламдан кўз юмишига сабаб бўлади. Шуни айтиш керакки, даволашнинг бу усули ҳам қўлланилган эди, лекин, бу йўналиш боши берк кўчага кириб қолди.

Янги усул муаллифлари бошқа йўлдан бордилар. Улар бутун баданни эмас, балки фақат рак ҳужайраларн бор жойнинг ҳароратини кўтаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Тўғри, илгари ҳам бу усул ишлатилган бўлиб, тўқимани фақат бир ярим-икки сантиметр чуқурлигигача қизитиш мумкин бўлган. Ичкарига кирган сари ҳарорат 41, 40, 39, 38 гача пасайтириб борилган. Бунинг оқибати аянчли бўлган. Чунки, ҳарорат 38—40 даража борганда рак ҳужайраларнинг ўсиши аксинча тезлашади. Тадқиқотчилар шу ғовни бартараф этишга муваффақ бўлдилар.

Улар шишга темирнинг энг майда зарраларини киритдилар. Бу заррачалар рак ҳужайралари устида тўпланди. Юқори тебранишли майдон билан бу заррачаларни қиздириб, шишлар ҳосил бўлган жойдаги ҳароратни маромн билан кўтариш мумкин бўлди. Натижаси жуда ажойиб бўлиб, ҳаммани ҳайратга солди: қизитилгандан кейин ферромагнетиклар киритилган жойда рак ҳужайралари юз фонзгача ҳалок бўлди.

Бу иш ниҳоятда оддийга ўхшайди, аслида эса, жуда-жуда мураккаб ва машаққатли. Ҳайвонларда минглаб синовлар, ҳужайра ва молекуляр даражасида тадқиқотлар, битмас-туганмас тажрибалар ўтказиш талаб қилинди.

Шишларга юбориладиган ниҳоятда тоза темир заррачалари микронлар билан ўлчанди. Улар шу қадар майдаки, биронта донасини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Айримларининг ўлчови ҳайратомуздир — микрондан ҳам кичикдир. Ўлчам ангстремларда боради.

Бу ферромагнит материали, аниқроғи маҳсус аралашма, унда темир зарралари бир маромда жойлашган бўлади, доригна билан бевосита ҳосила шиш ёки қон томирларига (у орқали аралашма рак хужайраларига боради) юборилади. Қудратли магнит ёрдамида эса темир заррачалари зарур жойда ушлаб турилади. Магнит майдонини суриб, уларни бошқа жойга кўчириш ва орқага қайтариш мумкин. Бу заррачалар рак ҳужайралари устида ёпишиб қолади, натижада, баданнинг бундай жароҳатланган жойлари рентген суратларида жуда аниқ кўринади. Шундай қилиб, янги усул фақат даволовчи бўлибгина қолмай, айни вақтда, диагност ҳамдир. Бу, айниқса, қасалликнинг бошланиш босқичларида анча самарали бўлади.

Шу усулни синаб кўриш учун 289 кишида олиб борилган тадқиқотлар натижалари жуда қувончли бўлди. Улардаги рак ҳужайралари тамомила йўқ бўлиб кетди. Беморларнинг даволаниш даражаси 90—100 фоизни ташкил этди.

Эндиликда бу усулни синаш ва қўллашни тезроқ кенгайтириш лозим. Ҳамма гап шунда. Бунинг учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Ахир, буни, ҳеч муболағасиз, бутун олам кутмоқда. Бу Ер курраси аҳолисига кўрсатилган беқиёс тортиқ бўлади.

(«ТРУД» рўзномаси материалларидан).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АТАМАЛАР КОМИССИЯСИДА

ЛОҚАЙДЛИККА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК!

МАЪЛУМКИ, кейинги 2-3 йил ичида шаҳримиздаги 500 га яқин кўча, юздан ортиқ мактаб, ўнлаб мавзе, истироҳат боғлари, ўнга яқин метро бекатлари номи ўзгартирилди. Кўплаб жойлардаги пешлавҳалар Давлат тили тўғрисидаги Қонун асосида ягона ўзбек тилида ўрнатилди. Бу эзгу тадбирларнинг амалга ошишида Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамаси қошидаги Атамалар комиссиясининг хизматлари алоҳида.

Яқинда мазкур комиссия Давлат тили тўғрисидаги Қонун амалиётига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда ноҳиялар ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ободонлаштириш, ички ишлар, савдо, умумий овқатланиш, маданият бош бошқармалари, Тошкент метрополитени, адлия, суд, прокуратура, шаҳар идоралари, тайёрагоҳ, темир йўл, автошоҳбекатлар раҳбарияти, шунингдек, Ўзбекистон радиоси ва матбуот вакиллари қатнашдилар.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари К. Р. Расулов Атамалар комиссияси таркиби ҳақидаги пойтахт ҳокимининг қарори билан белгиланган вазифа тўғрисида маълумот берди. Комиссия масъул котиби, Д. Саидов пойтахт бўйича тил тўғрисидаги Қонун ижроси суст кетаётганлигига алоҳида эътиборни қаратди. Чунончи адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, йирик-йирик савдо шоҳобчалари, тайёрагоҳ, темир йўл шоҳбекатлари раҳбарияти бу борада лоқайдликка йўл қўяётганликлари далиллар асосида айтилди. Ҳатто «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича ўтказиладиган йиғин ҳақида хабарномани жойлардаги котибаларнинг қарийб 90 фоизи ўзбек тилини билмасликлари боис рус тилида маълум қилинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрига кираверишда шаҳар марказидаги биноларустига ўрнатилган чироқли шиорлар асосан рус тилида битилганлиги айтилиб, бир ой ичида бу ҳолга барҳам берилиши лозимлиги таъкидланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 1991 йил 20 февралдаги Қарори билан «Литейная», «Цеховая», «Широкая» каби ҳеч бир маъно касб этмайдиган 137 та кўча номи ўзгартирилиб, янги кўрсаткичлар тайёрланган. Янги номдаги кўрсаткичлар ноҳияларга тарқатилган. Бироқ маҳаллий ҳокимликлардаги мутасаддиларнинг лоқайдликлари боис янги кўрсаткичлар ўз вақтида ўрнатилмаган, аҳоли қайта рўйхатдан ўтказилмаган, ички ишлар, ўт ўчириш, тез ёрдам, почта, алоқа ташкилотлари хабардор қилинмаган. Ваҳоланки, ўша қарорда ижро учун бир ой муддат белгиланган. Бу нафақат лоқайдлик, балки Қонунга, тилимизга нописандлик деб баҳоланди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбековнинг шу йил 7 майдаги қарори ижроси амалиёти ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Ички ишлар бошқармаси, тегишли ноҳиялар ҳокимликлари эса юқорида зикр этилган ҳар икки қарор юзасидан 15 кун ичида барча зарур тадбирларни белгилаш вазифаси юклатилди.

Д. АҲМЕДОВ.
М. КЕНЖАЕВА.

ФАЛОКАТ САБАБЧИСИ— ҚАРОВСИЗ МОЛЛАР

Вилоятимизда оилавий фермерлар, фермер хўжаликлари кўпайиб бормоқда. Натижада моллар сони ҳам ортмоқда. Бу ҳол ҳаммани, шу қаторда Ички ишлар ходимларини ҳам қувонтиради, чунки бунинг оқибатида пештахталаримизда гўшт-сут маҳсулотлари кўпаяди. Лекин баъзи фуқароларнинг ўз молларини назорат қилмаётгани ДАН ходимлари олдида муаммолар туғдирмоқда. Кейинги пайтларда кўчаларда қаровсиз қолдирилган мол-қўйлар туфайли автофалокатлар содир бўлаётир.

Ўтган йили моллар билан транспортларнинг тўқнашуви 6 марта қайд қилинган бўлса, бу йил 4 ой мобайнида 7 марта моллар билан тўқнашув содир этилди. Бунда 6 киши тан жароҳати олди, 7 та автомашина пачақланди.

Масалан, Ўрта Чирчиқ туманидаги 22-қурилиш ташкилоти ҳайдовчиси Ботир Умарбоев ўзига бириктирилган автомашинани ҳайдаб кетаётиб, ҳуркиб йўлга чиққан отни уриб юборди. Отлиқ Абдулла Умрзоқов жонивор остида қолди. Комил Мамадиёров эса ўз машинасида йўлга чиқаркан, тўсатдан мол пайдо бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўқнашув юз берди. Ҳайдовчи ва унинг ёнидаги ўттиз ёшли йўловчи тан жароҳати олди, машинанинг ҳам бўлари бўлди. Пискент давлат хўжалиги ишчиси Абдурашид Норқулов бошқарувидаги «Москвич-412» белгили машина ҳам тўсатдан йўл ўртасига чиққан молга урилиб, ағдарилиб кетди. Табиийки ҳайдовчи ва унинг ёнидаги Асқар Тўраевлар жароҳатландилар.

Шу нарса кишини таажжубга соладики, кўнгилсизликни келтириб чиқарган ўша молларнинг эгалари воқеадан хабар топгач, ИИБларга ёки ДАН постларига югуриб келишади. «Молимни уриб кетган машина эгасини топиб беринглар!» — деб тўполон қилишдан уялишмайди. Ваҳоланки, айб ўзларида. Агар йўл ҳаракати қоидаларининг 24.6 ва 24.9 бандларига кўз югуртирадиган бўлсак, ҳаммаси ойдинлашади. Ўша бандларда таъкидланишича, ҳайвонларни йўлда назоратсиз қолдириш, мукаммал қоплامали йўллардан, темир йўл ва транспорт йўлларининг махсус ажратилмаган жойларидан, айниқса қоронғи пайтларда ёки тевирак-атроф яхши кўринмайдиган шароитларда моллари ҳайдаб ўтиш қатъий тақиқланади.

Хулоса келиб чиқадики, уй ҳайвонларига урилиб жароҳат олган ёки машинаси шикастланган ҳайдовчилар етказилган зарарни ундириш учун мол эгаларини судга беришга ҳақлидирлар.

Энди бевосита ҳайдовчиларнинг эътиборларига келсак, улар ҳақ. Моллар туфайли автофалокатлар кўпинча халқа йўлда бўлмоқда. Бу йўлнинг Тошкентдан то Сирдарё кўпригига қадар чўзилган қисмига хизмат кўрсатиш биринчи рота (командири милиция майори Саидкарим Сайдалиев) ходимлари зиммасига юклатилган.

Ўйлаймизки, улар мазкур йўналишни қаровсиз мол, қўйлардан ҳоли этиб ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга жиддий киришадилар.

Абдукарим ҚУШБОЕВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги ички ишлар бўлимининг давлат автомобиль инспекцияси назорат бўлимининг ходими, милиция капитани.

Қутлаймиз!

Ҳурматли адажонимиз

АБДУМАЖИД ИЗЗАТИЛЛА ЎҒИЛЛАРИ

Биз Сизни 50 йиллик баҳорингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахтли-саодатли ҳаёт кечириб, орзу-ниятларингизга етишиб, шодон юришингизни тилаб қоламиз.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 33-58-85, 32-57-47, 33-79-16, 32-57-48; масъул котиб — 33-48-08, 32-53-53; масъул котиб ўринбосари — 32-57-49, Бўлимлар: шўролар ҳаёти — 33-70-10, 32-57-78; қишлоқ хўжалиги — 32-55-53; саноат, қурилиш ва транспорт — 32-57-49, 33-70-10; ижтимоий масалалар — 32-56-47, 33-40-46; адабиёт ва санъат — 32-57-33; маданият ва миллий қадриятлар — 32-56-45; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 32-55-56, 33-99-15; хатлар ва оммавий ишлар — 33-40-46, 32-56-47; тижорат бўлими — 32-55-56, 33-99-15; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 33-40-48; эълонлар — 32-56-66.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.00. 31646 нусха босилади.